

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ЭГАМОВА ФЕРУЗА РУСТАМОВНА**

**ОРГАНИЗМДАГИ БУЗИЛГАН АДАПТИВ ЖАРАЁНЛАРНИ СТЕРОИД  
ВА ПОЛИФЕНОЛ ТУЗИЛИШГА ЭГА ТАБИИЙ БИРИКМАЛАР  
ОРҚАЛИ ФАРМАКОЛОГИК МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**14.00.17 – фармакология ва клиник фармакология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Эгамова Феруза Рустамовна**

Организмдаги бузилган адаптив жараёнларни стероид ва полифенол тузилишга эга табиий бирикмалар орқали фармакологик мувофиқлаштириш.....3

**Эгамова Феруза Рустамовна**

Фармакокоррекция нарушенных адаптивных процессов в организме природными соединениями стероидной и полифенольной структуры .....21

**Egamova Feruza Rustamovna**

Pharmacocorrection of disturbed adaptive processes of organisms by natural compounds of the steroid and polyphenolic structures.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List published works .....46

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.FAR.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ЭГАМОВА ФЕРУЗА РУСТАМОВНА**

**ОРГАНИЗМДАГИ БУЗИЛГАН АДАПТИВ ЖАРАЁНЛАРНИ СТЕРОИД  
ВА ПОЛИФЕНОЛ ТУЗИЛИШГА ЭГА ТАБИИЙ БИРИКМАЛАР  
ОРҚАЛИ ФАРМАКОЛОГИК МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**14.00.17 – фармакология ва клиник фармакология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/B264 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация акад. С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.pharmi.uz](http://www.pharmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сыров Владимир Николаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашева Мукарамой Журабаевна**  
биология фанлари доктори

**Файзиева Зиёда Тураевна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент тиббиёт академияси**

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc.27.06.2017.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 йил соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38; факс: (+99871) 256-45-04; e-mail: [pharmi@pharmi.uz](mailto:pharmi@pharmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.И. Алимджанов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси т.ф.д., профессор

**Ё.С. Кариева**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.,  
профессор

**Б.Ш. Шоисломов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон бўйича 90% касалликларнинг асосий сабабчиси стресс ва у билан боғлиқ бўлган уйқусизлик, доимий бош оғриғи, кескин озиш ёки вазн йиғиш каби ҳолатлар ҳисобланади. Берилган маълумотларга кўра, стресс сабабли 200 дан ортиқ турли хил касалликлар, жумладан, юрак-қон-томир ва ҳазм қилиш тизимларидаги патологиялар ҳамда турли онкологик касалликлар юзага келмоқда. Стресснинг салбий оқибатларини олдини олиш учун турли дори воситалар, айниқса ўсимликлардан олинган препаратлар қўлланиб келинмоқда. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг эътирофига кўра, доривор ўсимлик препаратлари билан дунё аҳолисининг 65% даволаниб келмоқда.

Бугунги кунда турли хил касалликлар, заҳарли таъсирлар, оғир жисмоний зўриқишлар ва ноқулай экологик шароитлар таъсири оқибатида келиб чиқадиган стрессга қарши адаптоген таъсирга эга дори воситаларини яратиш бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада стресс-катаболик ҳолатларда кечадиган метаболик жараёнларга ва организм фаолиятининг функционал кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган турли стресс омилларига организмнинг умумий шартсиз қаршилигини оширувчи ўсимлик бирикмалари асосида адаптоген таъсирга эга самарадор дори воситаларини излаб топиш муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистонда мустақилликка эришган кундан бошлаб фармацевтика саноатини ривожлантириш ва яхшилашда маҳаллий хом ашё ресурсларига суянган ҳолда адаптоген таъсир йўналишига эга сифатли дори воситалар ва биологик фаол қўшимчалар яратиш бўйича кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, доридармонлар нархларининг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чоратадбирларни амалга ошириш; аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш...»<sup>1</sup> муҳим вазифалар деб белгиланган. Бу борада, ўсимлик манбаларидан адаптоген дори воситаларини излаб топиш ва улар асосида тиббий препарат ҳамда биологик фаол қўшимчаларни (БФҚ) яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 23 январдаги ПҚ-3489-сон «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора тadbирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур йўналишга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёлари асосида стрессга қарши потенциал воситаларни излаб топиш ва уларнинг кимёвий-биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича республикаимиз олимларидан Н.К. Абубакиров, Э.Х. Батиров, М.И. Исаев, А.Г. Курмуков, В.Н. Сыровларнинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутмоқда. Улар томонидан ўрганилган ўсимликлар таркибидаги стероид (фитоэкдистероидлар, циклоартанлар) ва полифенол (флавоноидлар) тузилишга эга бирикмалар ўзида катта қизиқиш уйғотади. Ушбу моддаларнинг ажратиб олиш усуллари ишлаб чиқилган, уларнинг умумфармакологик ва организмда кечувчи моддалар алмашинувида таъсири ўрганилган ҳамда токсикологик тавсифи берилган.

МДҲ давлатлари олимлари В.В. Володин, И.В. Галяутдинов, Л.Н. Зибарева, Г.В. Ковалев, Н.Б. Петрова, М.Б. Плотников, Л.В. Ратахина, Б.Н. Тулеуов, К.В. Яременколар томонидан ушбу синф бирикмаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлардан ҳам маълум бўлдики, хайвонлар организмнинг умумий ҳолатига бир қатор таъсир кўрсаткичлари бўйича, улар маълум бир ўхшашликка эгадир. Бу эса, патологик ҳолатларда марказий нерв тизими, юрак-қон-томир, гепато-билиар ва организмнинг бошқа тизимларининг функционал фаоллигида маълум ижобий ўзгаришлар содир бўлиши, ҳаракатчанликнинг ошишига олиб борувчи таъсири, яъни, алмашинув жараёнларининг у ёки бу қисmlарига нормалловчи таъсир кўрсатиши билан боғлиқдир.

Хорижий давлатлар олимлари L. Dinan, S.Q. Li, R. Lafont, T. Otake, D. Pathak, K. Slama, M. Uchiyama, Z.L. Zang ушбу турдаги бирикмаларнинг, айниқса фитоэкдистероидлар сақловчи ўсимликларни излаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда уларнинг таъсир механизмлари молекуляр даражада ўрганилмоқда, захарли таъсирлар натижасида организмнинг ҳимоя-тикловчи жараёнларида бир қатор ўсимлик стероид ва полифеноллари кўллаш имкониятлари таҳлил қилинмоқда. Фитоэкдистероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, уларнинг турли хил этиологияли патологик ҳолатларда организмни ҳимояловчи таъсири, яъни адаптоген таъсири бўйича ҳалигача аниқ таассурот бера олмади. Буларнинг ҳаммаси ушбу диссертациянинг долзарблигини ва илмий-амалий заруриятини белгилайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФА-А10-Т196 «Метаболик синдром бузилишида фармакологик мувофиқлаштириш учун қўлланилувчи терпеноидлар, алкалоидлар ва фенол табиий бирикмалари асосида бешта маҳаллий препарат яратиш» (2011-2014), 6-КХ-О-18571 «*Tribulus terrestris* куруқ экстракти, *Passiflora incarta* куруқ экстракти ва Метформин дори субстанцияларини фармацевтика саноатида қўллаш учун яратиш технологияси ва ишлаб чиқаришни тадбиқ этиш» (2014-2015), ФА-А11-Т029 «Изопреноид ва полифенол табиий бирикмалари асосида захарланишга қарши ва нурланишдан ҳимояловчи фаолликка эга восита яратиш» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фитоэксдистероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидларнинг организмда бузилган адаптив жараёнларга таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

лаборатория ҳайвонларида ўтказиладиган скрининг тажрибаларидан фитоэксдистероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидлар (уларнинг йиғма препаратлари) орасидан организмнинг умумий шартсиз қаршилигини оширувчи, яъни адаптоген таъсирни намоён қилувчи, юқори фаолликка эга субстанцияларни аниқлаш;

турли кимёвий ва биологик табиатга эга омилларнинг организмга салбий таъсири шароитида уларнинг стрессга қарши фаоллигини ҳар томонлама ўрганиш;

юқори фаолликка эга бўлган эксдистероид, циклоартан ва флавоноид сақловчи субстанциялар орасидан, уларнинг жисмоний ҳаракатчанликда организмдаги биокимёвий жараёнларни мўътадиллаштиришида намоён бўлувчи имкониятларининг самарадорлигини таҳлил қилиш;

эксдистероид, циклоартан ва флавоноид сақловчи субстанцияларни организмнинг пластик ва энергетик алмашинув ҳолатларига мўътадиллаштирувчи хусусияти бўйича таъсир механизмини таққослаш. Ўрганилаётган субстанцияларнинг самарадорлигини тиббиёт амалиётида қўлланиб келинаётган адаптоген восита - элеутерококк экстракти (ОАЖ Дальхимфарм, Россия) дори воситаси билан таққослаш;

фитоэксдистероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидларлар асосида олинган препаратларни токсик гепатитда, лейкопенияда, тери, ошқозон шиллиғи деструктив яралар ҳосил бўлишида ва радиоактив нурланишда адаптоген-ҳимояловчи восита сифатида қўллаш имкониятларини аниқлаш;

юқори фаолликка эга фитоэксдистероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидларнинг потенциал адаптоген восита сифатида инсон амалий фаолиятига таъсирини умумий фармакологик ва токсикологик текширувлар орқали асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистонда ўсувчи *Ajuga turkestanica*, *Silene praemixta*, *Silene viridiflora*, *Eremostachys baissunensis*, *Astragalus orbiculatus*, *Vexibia alopecuroides* ўсимликларидан ажратиб олинган фитоэкдистероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидлар асосида олинган субстанциялар ҳамда лаборатория ҳайвонлари: оқ сичқон, оқ каламушлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** лаборатория ҳайвонларида моделлаштирилган стресс ва токсик гепатит, лейкопения, тери қоплами ва ошқозон шиллиғида деструктив яралар ҳосил бўлиши ҳамда радиоактив нурланиш каби патологик ҳолатларга фитоэкдистероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидларнинг фармакологик таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда фармакологик, физиологик, биокимёвий, гематологик ва иммунологик усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

фитоэкдистероидлар универсал адаптоген воситалар сифатида тўлиқ тавсифланган ҳамда циклоартан гликозидлар ва флавоноидларнинг таъсирида тажрибавий ҳайвонлар организмида намоён бўладиган кўпгина биологик фаолликларда адаптоген хусусияти мавжудлиги исботланган;

экдистероид, циклоартан ва флавоноид сақловчи субстанцияларнинг организм адаптацион потенциалини ошириши, яъни уларнинг алмашинув жараёнларига мўътадиллаштирувчи таъсир кўрсатиши липидларнинг перекисли оксидланишига ва антиоксидант тизими ҳолатига таъсири билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор фитоэкдистероидлар (кўпроқ даражада) ҳамда циклоартан гликозидлар ва флавоноидлар (айниқса уларнинг йиғма препаратлари) организмнинг адаптацион потенциалини ошириш хусусияти бўйича таниқли адаптоген восита – элеутерококк экстрактига нисбатан бир қатор афзалликларга эгаллиги исботланган;

экдистероид сақловчи воситаларнинг қаҳрабо кислотаси ёки тетиклаштирувчи таъсирга эга ўсимлик экстрактлари билан мажмуаси организмнинг ноқулай таъсирларга шартсиз қаршилигини янада кўпроқ даражада ошириши аниқланган;

илк бор яққол адаптоген фаолликка эга экдистероид, циклоартан ва флавоноид сақловчи субстанциялар тажрибавий патологик ҳолатларга (токсик гепатитда, лейкопениеда, тери қоплами ва ошқозон шиллиғи яраларида, радиоактив нурланишда) химояловчи таъсир кўрсатиш қобилиятига эгаллиги ва улар турли хил стресс-катаболик таъсирларда организмнинг функционал-метаболик ҳолатидаги кўп сонли салбий оқибатларни фармакологик мувофиқлаштирувчи фаолликка эга потенциал восита эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фитоэкдистероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидлар турли стресс омилларига организмнинг умумий шартсиз қаршилигини оширувчи,



яъни адаптоген таъсирга эга юқори самарадор воситалар эканлиги аниқланган;

юқори фаолликка эга деб топилган бирикмалар таъсирида организм ҳаёт фаолиятининг функционал кўрсаткичларига, ҳамда унда кечувчи метаболик жараёнларга стресс-катаболик таъсир кўрсатувчи турли хил патологик ҳолатларда организмнинг адаптоген потенциални ошириш учун қўллаш мумкинлиги аниқланган;

*Ajuga turkestanica* ўсимлигидан ажратиб олинган йиғма фитостероидлар асосида ва шу йиғмага қаҳраб кислотасини қўшиш билан озуқага биологик фаол қўшимчалар - эксумид ва экдитон ишлаб чиқилган;

субстанцияларнинг организмда турли этиологияга эга стресслар таъсирида бузилган адаптив жараёнларни фармакологик мувофиқлаштирувчи восита сифатида қўллаш истиқболлини очиб берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот маълумотлари лаборатория ҳайвонларининг етарли миқдордалиги, адекват физиологик, биокимёвий, гематологик, морфологик усулларни қўлланилганлиги, олинган натижаларни статистик таҳлил қилинганлиги ҳамда патентлар олинishi билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фитостероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидларнинг турли стресс таъсирларда организмда кечувчи бузилган адаптив жараёнларни фармакологик мувофиқлаштирувчи сифатида кенг қўламли қобиляятларини намоён қилиши ва шу сабабли бир қатор патологик ҳолатларда ҳимояловчи таъсир кўрсатиши, бу эса, ўрганилаётган субстанциялар таъсирида организмнинг умумий шартсиз қаршиликнинг ошиши организмдаги салбий томонга ўзгарган метаболизмни оптималловчи таъсири туфайли содир бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўтказилган тажрибалар натижасида эрдистероид сақловчи субстанцияларнинг (эксумид, экдитон, фломбаиссун, адаптотик) организмдаги моддалар алмашинувини яхшиловчи, иммун жараёнларни стимулловчи, жисмоний ҳаракатчанликни оширувчи адаптоген фаолликка эга восита сифатида амалий қўллаш имкониятларини очиб бериши ва таркибида флавоноид сақловчи препаратлар: фланорин ва цинарозидларнинг адаптоген таъсири ўрганилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фитостероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидлар асосида олинган субстанцияларнинг турли тажрибавий патологик ҳолатларда адаптоген таъсир самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

актопротектор, адаптоген ва қувватни ошириш фаоллигига эга восита яратиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (21.04.2017 й., №IAP 05395). Натижада маҳаллий хом ашёдан самарали қувватлантирувчи, актопротекторли ва адаптоген фаолликка эга бўлган доривор восита яратиш имконини берган;

иммуномодулловчи ва адаптоген дори воситасини олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (21.04.2017 й., №IAP 05396). Натижада маҳаллий самарали иммуномодулловчи ва адаптоген дори восита яратиш имконини берган;

«Эксумид» - озуқага биологик фаол қўшимчасини (БФҚ) ишлаб чиқариш Техник шартлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан (Ts 03535440-015:2015) ва «Тошкент шаҳар синовлар ва сертификатлаш маркази» Давлат корхонаси давлат реестрида рўйхатга олинган (15.02.2017 й., №Uz.SMT.01.313.1978918), Ўзбекистон Республикасида қўллашга рухсат этилган озуқага биологик фаол қўшимчалар (БФҚ) рўйхатига киритилган (№000482). Натижада маҳаллий хом ашё асосида самарали қувватлантирувчи ва адаптоген таъсирга эга восита яратиш имконини берган;

«Экдитон» - озуқага биологик фаол қўшимчаси (БФҚ) ишлаб чиқариш Техник шартлари «Ўзстандарт» агентлиги томонидан рўйхатга олинган (Ts 64-23325453-001:2013), Ўзбекистон Республикасида қўллашга рухсат этилган озуқага биологик фаол қўшимчалар (БФҚ) рўйхатига киритилган (№000667) ва «Биотон» корхонасида технологияси ўзлаштирилган. Натижада маҳаллий хом ашё асосида самарали тетиклаштирувчи ва адаптоген восита яратиш имконини берган;

фланорин - жигарни ҳимояловчи (№01558/06/17, 06.06.2017 й.) ва цинарозид - гипоазотемик воситаларига (№00880/07/16, 08.07.2016 й.) «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» давлат унитар корхонасининг рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси олинган. Натижада ушбу препаратларнинг қўлланилишини янада кенгайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 2 та ихтирога патент олинган ва жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг

илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Организмда шартсиз қаршилик ҳолати ошиши ҳақида замонавий таассуротлар ва бу ҳолатнинг бузилиши ҳамда мувофиқлаштириш принциплари»** деб номланган биринчи бобида (адабиётлар шарҳи) организм гомеостазининг сақланишида адаптациянинг ўрни, адаптация жараёнларининг шаклланишида стресснинг роли ва стресс асоратларининг ривожланиши ҳамда адаптогенлар ҳақидаги тушунчаларнинг, улар классификацияси ва таъсир механизмларининг акс этиши кўриб чиқилган. Таниқли ўрганилаётган стероид ва полифенол тузилишга эга табиий бирикмаларнинг биологик хусусиятлари ҳақида маълумотлар тақдим қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотларда фойдаланилган тажриба ҳайвонлари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган объектлар ва услубий ёндашувлар, қўйилган масалалар ечими ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу диссертация ишида ЎЗР ФА ЎМКИ гликозидлар кимёси лабораторияси ходимлари томонидан ажратиб олинган стероид бирикмалар ўрганилган. Булар фитоэкдистероидлар ва циклоартан гликозидлардир. Индивидуал фитоэкдистероидлардан: экдистерон, туркестерон, интегристерон А, полиподин В, циастерон,  $\alpha$ -экдизон, 2-дезоксид- $\alpha$ -экдизон, 2-дезоксидэкдистерон, силенеозид D ҳамда йиғма экдистероид сақловчи препаратлар: эксумид (таркиби экдистерон ва туркестерон), экдисилен (таркиби экдистерон, полиподин В, силенеозидлар А, D ва б.), фломбаиссун (таркиби экдистерон, интегристерон А, циастерон ва б.) (Саатов З., 1993; Рамазанов Н.Ш. ва ҳаммуалл., 2016; Бобаев И.Д., 2017). Циклоартан гликозидлардан: аскендозид С, аскендозид G, циклоорбикозид А, циклоорбикозид G, циклосиверсиозид А ва йиғма препарат-астрегалин (таркиби асосан циклоорбикозидлар А ва G) (Исаев М.И., 1996; Исаев М.И. ва ҳаммуалл., 1983; Агзамова М.А. ва ҳаммуалл., 1987) ўрганилди. Бундан ташқари терпеноид ва кумаринлар кимёси лабораторияси ходимлари томонидан ажратиб олинган полифенол бирикмалар ўрганилди. Булар индивидуал флавоноидлар: лютеолин, цинарозид, вексидинол, глаброл, изобавахин, галангин ва йиғма препарат - фланорин (таркиби глаброл, изобавахин, вексидин ва б.) (Батиров Э.Х. ва ҳаммуалл., 1986; Юсупова С.С. ва ҳаммуалл., 1984).

Фитоэкдистероидлар, циклоартанлар ва флавоноидлар потенциал адаптоген восита сифатида баҳолаш бўйича тажрибалар эркак-сичқонлар (18-20г) ва эркак-каламушларда (150-200г) олиб борилди. Ўрганилаётган бирикмалар ҳайвонларга оғиз орқали: фитоэкдистероидлар 5 мг/кг, циклоартанлар-10мг/кг, флавоноидлар-50мг/кг дозада (олдинги тажрибаларда юқори фаолликка эгаллиги аниқланган) берилди. Тажрибалар

0.2 мл/20г дозада сичқонларга ва 0.2 мл/100г дозада каламушларга юборилган таникли адаптоген восита – суюқ элеутерококк экстракти билан солиштирган ҳолда олиб борилди (Дардымов И.В., 1976). Моддаларнинг ўткир стресс моделида организмда содир бўладиган ўзгаришларни олдини олиш имкониятлари ўрганилди. Бунинг учун сичқонларда бўйин бурмасидан 16 соат давомида илиб қўйиш орқали, каламушларни 24 соат давомида ҳаракатсиз боғлаб қўйиш орқали стресс чақирилди. Индивидуал ва йиғма моддаларнинг адаптоген восита сифатида фаоллигини айрисимон без, талоқ массаларининг камайиши ва буйрак усти бези массасининг ошишини олдини олиши бўйича баҳоланди (Дардымов И.В., 1976; Володин В.В. ва ҳаммуалл., 2012). Ҳайвонлар ошқозонида ҳосил бўлган яралар сони ҳисобланди. Моддаларнинг фаоллик кўрсаткичи юқори параметрлар орқали ва қўшимча равишда стресснинг турли салбий таъсирларидан кейинги, ҳайвонлар яшовчанлигини оширишини улар организмга физик (юқори ва паст ҳарорат, липидларининг перекисли оксидланишининг кескин фаоллашуви), кимёвий (спирт, нитропруссид натрий, сарколизин билан заҳарлаш) ва биологик табиатли (буйрак томирларини ва йўғон ичакни боғлаш орқали чақирилган аутоинтоксикация) омилларнинг таъсири бўйича баҳоланди (Брехман И.И., 1968; Ратахина Л.В. ва ҳаммуалл., 1993; Шевченко О.Г. ва ҳаммуалл., 2007; Но R. et al., Martins A. et. al., 2012).

Уларнинг адаптоген фаоллигини организм умумий шартсиз қаршилигини оширишида жисмоний юкламалар вақтида (тўлиқ толиқишгача суздириш) Брехман И.И. (1968), Dawson С.А., S.A. Horvath (1970) бўйича, токсик ССl<sub>4</sub>-гепатитда адаптацион жараёнларнинг бузилишини, аъзо ва тўқималардаги алмашинув жараёнларни салбий томонга силжишига таъсири бўйича (Яремий И.Н., Григорьева Н.Ф., 2002), бензол билан чақирилган лейкопенияда (Лазарев Н.В., 1954), тери ва ошқозон шиллиқ қаватида ҳосил бўлган яралар (Аслонов И.Н., 2002; Каминка М.Э. ва ҳаммуалл., 2004; Takagi K. et. al. 1969), радиоактив нурланиш бўйича (Кудяшева А.Г. ва ҳаммуалл., 2012) уларнинг таъсири ўрганилди.

Қон зардобдаги умумий оксил миқдори рефрактометрда, жигар ва мушаклардаги (*M. tibialis ant.*) гликоген миқдори Lo S. et al. (1970) усули бўйича, сут кислота ва пирозум кислота миқдори (СутК ва ПУК) Камышников В.С. усули бўйича (2009) аниқланди. СутК-ПУК тизими оксидланиш-қайтарилиш потенциали Райскина М.Е. ва ҳаммуалл. (1970) усули бўйича ҳисобланди, адениннуклеотидлар миқдори пастга тушувчи қоғозли хроматография усули орқали (Венкстерн Т.В., Баев А.А., 1957), креатинфосфат (КФ) Ennor А.Н., Rosenberg Н., (1952) усули бўйича аниқланди, энергетик заряд тизими Atkinson D.E. (1968) усули бўйича ҳисобланди. Липидларнинг перекисли оксидланиш (ЛПО) жараёнларининг жадаллиги малон диальдегиди (МДА) миқдорининг ўзгариши билан баҳоланди (Стальная И.Д., Гаришвили Т.Г., 1977), каталаза фаоллиги Королук М.А. ва ҳаммуалл. (1988) усули бўйича, супероксиддисмутаза (СОД) миқдори Дубинина Е.Е. ва ҳаммуалл. (1983) усули бўйича аниқланди. Аланин- ва

аспартатаминотрансфераза (АлАТ ва АсАТ) ферментларининг фаоллиги Reitman S., Frankel S. (1957) усули бўйича ўрганилди. Ўрганилаётган препаратларнинг талокдаги антитана ҳосил қилувчи хужайралар (АХҚХ) сонига таъсирини Jerne N.K., Nordin A.A. (1963) усули бўйича, иммунитетнинг марказий ва периферик аъзолари хужайраларининг ҳисоби Петров Р.В., Зарецка Ю.М. (1965) усули бўйича олиб борилди. Умумфармакологик ва токсиколо-гик фаолликларини ўрганиш охириги пайтда бажарилган ишларда тўлиқ берилган (Плотников М.Б. ва ҳаммуалл., 2005; Царук А.В., 2011) умум қабул қилинган усуллар бўйича бажарилди ҳамда янги фармакологик моддаларнинг (клиникагача) тажрибавий ҳолати бўйича ўрганилди (Москва, 1992). Тадқиқотнинг бажарилишида олинган сонли маълумотлар Стъюдент t-критериясидан фойдаланилган ҳолда вариацион статистика усули ёрдамида STATISTICA version 6. StatSoft, Inc. (2001) дастурида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг «**Фитоэкдистероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидларни (уларнинг йиғма препаратлари) потенциал адаптоген восита сифатида ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида уларнинг фаоллиги скрининг-баҳолаш, ҳайвонларни бўйин бурмасидан илиб қўйиш билан чақирилган ўткир стресс усулида, ёки уларни ҳаракатсиз боғлаб қўйиш усули ёрдамида чақирилган стресс натижалари келтирилган. Ушбу тажри-баларда бошқа ўтказилган тажрибалардаги каби (Дардимов И.В., 1971; Ратахина Л.В. ва ҳаммуалл., 1993; Шахмурова Г.А. ва ҳаммуалл., 2010), назорат гуруҳларидаги ҳайвонларда кўрсатилган вақт мобайнида тана вазнининг камайиши, ҳамда зўриқиш реакциясининг типик кўринишидаги каби: буйрак усти беzi гипертрофияси (каламушларда уларнинг таркибидаги аскорбин кислота ва холестерин миқдорининг камайиши билан), айрисимон без ва талок массаларининг камайиши, ошқозон шиллиқ қаватида яралар ҳосил бўлиши юз берди. Ўрганилаётган фитоэкдистероидлар, циклоартан гликозидлар ва флавоноидлар (уларнинг йиғма препаратлари) стресс таъ-сиридан олдин берилганда, маълум даражада тана вазнининг сақланиши намоён бўлди, буйрак усти беzi массасининг ортиши ва унинг таркибидаги аскорбин кислота ва холестерин миқдорининг, ҳамда айрисимон без ва талок массалари камайишининг олдини олди, ошқозон шиллиқ қаватидаги ҳосил бўлган деструктив яралар сонини камайтирди. Фитоэкдистероидлар орасида экдистерон, туркестерон ва циастерон, циклоартан гликозидлардан – циклоорбикозидлар А ва G, флавоноидлардан – лютеолин, галангин ва цинарозид ўзларининг фаоллиги билан ажралиб турди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўрганилаётган моддалар таркибига яқин йиғма препаратлар потен-цирланиш фаоллиги ҳисобига индивидуал моддаларга қараганда яққол адап-тоген таъсирни намоён қилди. Ушбу ҳолатда экдистероид сақловчи субстан-циялар (айниқса эксумид ва фломбаиссун) юқори фаолликка эга бўлди. Кейинги ўринларни циклоартан гликозидлар (астрагалин) ва флавоноидлар (фланорин) препаратлари эгаллади (1-жадвал).

1-жадвал.

Эксумид, фломбаиссун, экдисилен, астрагалин ва фланоринларнинг стресс-ошиш шароитида сичқонлардаги ички аъзолари ва ошқозон шиллик қаватидаги деструкциялар сонига таъсири ( $M \pm m$ )

Тажриба шароити	Ҳайвонлар сони	Аъзолар массаси, мг			Ошқозон шиллик қаватидаги деструкциялар сони
		Айрисимон без	Талоқ	Буйрак усти беzi	
Экдистероидсақловчи препаратлар					
Интакт ҳайвонлар	10	58,6±2,1	249,5±14,7	5,6±0,45	-
Стресс (назорат)	10	32,6±1,5*	157,2±5,6*	8,8±0,32*	1,6±0,31
Стресс+эксумид	10	52,6±2,2 <sup>**1</sup>	225,8±12,6 <sup>**1</sup>	5,9±0,23 <sup>**1</sup>	0,5±0,17
Стресс+фломбаиссун	10	49,4±1,9 <sup>*,**1</sup>	218,6±11,8 <sup>*,**</sup>	6,2±0,33 <sup>**1</sup>	0,7±0,26 <sup>**</sup>
Стресс+экдисилен	10	46,3±2,5 <sup>*,**</sup>	204,5±5,9 <sup>*,**</sup>	6,4±0,22 <sup>**1</sup>	0,7±0,21 <sup>**</sup>
Стресс+экстракт элеутерококка	10	41,0±1,8 <sup>*,**</sup>	187,2±5,8 <sup>*,**</sup>	7,2±0,52 <sup>*,**</sup>	1,0±0,29
Циклоартансақловчи препарат					
Интакт ҳайвонлар	6	58,2±2,3	258,6±16,8	5,5±0,43	-
Стресс (назорат)	6	34,8±0,91*	162,5±9,9*	8,5±0,34*	1,8±0,17
Стресс+астрагалин	6	45,5±2,2 <sup>*,**</sup>	207,7±5,2 <sup>*,**1</sup>	6,4±0,62 <sup>**</sup>	1,0±0,26 <sup>**</sup>
Флавоноидсақловчи препарат					
Интакт ҳайвонлар	6	56,5±3,2	250,2±13,1	5,5±0,43	-
Стресс (назорат)	6	34,2±2,8*	154,3±5,7*	8,5±0,34*	1,7±0,42
Стресс+фланорин	6	46,2±1,4 <sup>*,**1</sup>	188,3±10,2 <sup>**</sup>	7,8±0,91 <sup>**</sup>	-

Эслатма. \*-Интакт ҳайвонлар кўрсаткичларига нисбатан аниқлик, \*\*-назорат гуруҳига нисбатан, <sup>1</sup>-суяқ элеутерококк экстрактига нисбатан аниқлик ( $p < 0,05$ ).

Ушбу шароитларда йиғма препаратлар ўзининг кўпгина кўрсаткичлари бўйича (айниқса экдистероидлар) таниқли адаптоген восита—суяқ элеутерококк экстракти самарадорлигидан қолишмади.

Экдистероид сақловчи препаратлар (астрагалин ва фланоринларга қараганда бирмунча юқори даражада) 6 соат ҳаракатсизлантирилиб, 10 дақиқа 60<sup>0</sup>С термостатда сақланган сичқонларда чақирилган стресс натижасида ўрганилаётган аъзоларда юзага келган кўрсаткичларни ва трофик бузилишлар-ни (ошқозон шиллик қаватидаги яралар сонини) камайтирди. Ўрганилаётган йиғма препаратларнинг адаптоген таъсирга эгалиги сичқонларни 39<sup>0</sup>С ҳароратли камерада узоқ сақлаганда, юқори ҳароратда ҳайвонлар яшовчанлигини ошириши бунинг яна бир исботи бўлди. Ушбу субстанцияларни 7 кун давомида сичқонларга бериб бориб, кейин эса 7<sup>0</sup>С совуқ камерада 2 соат сақлаганда, ректал ҳароратнинг камроқ пасайиши кузатилди. Ўрганилаётган барча йиғма препаратлар турли физик табиатли омилларнинг зарарли таъсирига ҳайвонлар организмнинг қаршилигини ошириши билан элеутерококк экстракти таъсири билан (самарадорликнинг ифодаланишда озроқ фарқ билан) ўхшаш бўлди.

Фитоэкдистероидлар, циклоартанлар ва флавоноидларнинг кимёвий табиатга эга омилларга организмнинг қаршилигини оширишига таъсири ўрганилганда эътиборга молик натижалар олинди. Экдистерон, туркестерон,

эксумид, фломбаиссун, экдисилен, астрагалин ва фланорин спирт билан захарланишга қарши таъсири аниқ намоён бўлди, спиртни (25% ли, 9г/кг дозада) - ҳайвонлар қорин бўшлиғига юборилишидан олдин препаратлар берилганда сичқонларнинг яшовчанлиги мос равишда 40, 50, 70, 20, ва 60%ни ташкил қилди. Элеутерококк экстракти берилганда 30% (ҳайвонлар яшовчанлиги назорат гуруҳида 10%ни ташкил қилди) самара берди. Тўқима гипоксияси усулида ҳам ижобий натижалар олинди. Экдистерон, туркестерон ва йиғма экдистероид сакловчи препаратлар: эксумид, фломбаиссун, экдисилен, ҳамда астрагалин, фланорин ва референс-препарат элеутерококк экстрактларининг 25 мг/кг дозада нитропруссид натрий беришдан олдин сичқонларга бир марталик юборилганда ҳайвонларнинг яшовчанлиги мос равишда 32.2; 41.7; 67.8; 53.9; 45.2; 20.9; 61.9 ва 18.3%га ошди. Экдистероид, циклоартан ва флавоноид сакловчи йиғма препаратлар саратоннинг бир қатор турларини даволашда кенг қўлланилган сарколизин препаратига ўзининг потенциал адаптоген ва захарланишга қарши таъсири сезиларли равишда намоён қилди (Машковский М.Д., 2008).

Ўрганилаётган моддаларнинг адаптоген таъсири баҳолашда уларнинг биологик табиатли бир қатор салбий омилларига қарши турувчи имкониятларига эътибор бермаслик мумкин эмас. Ушбу йўналишда олиб борилган тажрибаларда ўрганилаётган бир неча моддаларнинг ва уларнинг йиғма препаратларининг аутоинтоксикация жараёнларини ривожланишини олдини олиш қобилиятига эгаллигига эътибор қаратилди. Сичқонларнинг буйрак томирларини боғлаганда назорат гуруҳларида 5-6 соат давомида ҳамма ҳайвон ҳалок бўлди, экдистерон, эксумид, экдисилен, фломбаиссун, астрагалин, цинарозид, фланорин ва элеутерококк экстракти (ўрганилаётган моддалар операция қилинган захоти берилди) яшовчанликни мос равишда 34.5; 48.3; 43.1; 21.5; 36.2; 41.4 ва 27.6% оширди. Шунга ўхшаш ҳолат йўғон ичакни боғлаш орқали чақирилган аутоинтоксикацияда ҳам кузатилди. Назорат гуруҳида 1 суткадан кейин 3 та сичқон (10 тадан), эксумид, экдисилен, астрагалин ва фланорин берилганда мос равишда 8, 7, 5 ва 6 та ҳайвон тирик қолди. Элеутерококк экстракти берилганда ушбу тажрибада 10 та сичқондан 6 таси тирик қолди.

Ўрганилаётган субстанцияларнинг турли салбий омилларга организмнинг умумий қаршилигини ошириш (яъни, адаптоген таъсири) улар организмдаги бир қатор пластик ва энергетик алмашинув жараёнларига таъсири бўйича кўриб чиқилди, уларнинг ҳолати барча зарарловчи омилларга аъзо ва тўқималар ҳужайралари тизимининг барқарорлиги билан кўпроқ боғлиқ (Бобков Ю.Г. ва ҳаммуалл., 1984). Ушбу тажрибалар каламушларни 5 ёки 2 соат давомида суздириш билан бажарилди. Ўрганилаётган субстанциялар тажрибадан 1 соат олдин берилди. Олинган натижалар иккала ҳолатда ҳам (айниқса 5 соат сузишда) жигар ва мушакларда (*M. tibialis anterior*) анаэробизмнинг устунлигини кўрсатувчи гликогеннинг камайиши, СутК/ПУК нисбатининг ошиши, АТФ ва КФ миқдорининг камайиши билан исботланди. Липидларнинг перекисли оксидланиш жараёнлари фаоллашди

(МДА миқдори ошди), каталаза ва СОД фаоллиги камайди. 2-жадвалда экид-стероид, циклоартан ва флавоноид сакловчи субстанцияларнинг берилиши билан пластик ва энергетик алмашинув метаболитларининг миқдори мўътадиллашди, гликоген захирасининг, ҳамда АТФ ва КФ кўп миқдорда сакланиши билан таъминланди, энергетик заряд қийматининг кўплиги билан характерланди (ушбу кўрсаткичларга фитоэкидстероидлар ва циклоартанлар яққол таъсир кўрсатди) ва организмнинг антиоксидант тизими ҳолатини нормаллаштириши кўрсатилган (флавоноидлар кўпроқ таъсир кўрсатди).

**2-жадвал.**

**Ўрганилаётган препаратларнинг каламушларни 2 соатлик сузиришдан кейинги мушак тўқималаридаги углевод ва энергетик алмашинувининг бир қатор кўрсаткичларига таъсири ( $M \pm m$ ,  $n=6$ )**

Тажриба шароити	Гликоген мг%	СутК/ПУК	ОҚП СутК/ПУК, мВ	Аденин-нуклеотидлар йиғиндиси, мкМ/г	Энергетик заряд	КФ, мкМ/г
Интакт хайвонлар	493,9±20,2	32,4±1,6	-250,3	9,98±0,1	0,69±0,010	12,3±0,6
Назорат	226,6±17,0 <sup>1</sup>	99,7±5,6 <sup>1</sup>	-265,3	7,90±0,2 <sup>1</sup>	0,53±0,012 <sup>1</sup>	7,9±0,3 <sup>1</sup>
Эксумид	344±16,4 <sup>1,2</sup>	55,9±2,9 <sup>1,2</sup>	-257,6	9,24±0,3 <sup>1,2</sup>	0,62±0,010 <sup>1,2</sup>	10,3±0,4 <sup>1,2</sup>
Экдитон	391±21,2 <sup>1,2</sup>	50,5±2,3 <sup>1,2</sup>	-256,3	9,77±0,2 <sup>2</sup>	0,67±0,07 <sup>2</sup>	11,7±0,2 <sup>2</sup>
Фломбаис-сун	312±14,9 <sup>1,2</sup>	61,3±3,8 <sup>1,2</sup>	-258,9	9,15±0,1 <sup>1,2</sup>	0,61±0,015 <sup>1,2</sup>	10,2±0,3 <sup>1,2</sup>
Экдисилен	307±19,2 <sup>1,2</sup>	65,3±2,2 <sup>1,2</sup>	-259,7	8,60±0,3 <sup>1</sup>	0,59±0,012 <sup>1,2</sup>	9,96±0,3 <sup>1,2</sup>
Адаптоник	380±19,4 <sup>1,2</sup>	55,0±3,4 <sup>1,2</sup>	-257,4	9,45±0,3 <sup>2</sup>	0,65±0,009 <sup>1,2</sup>	11,1±0,4 <sup>2</sup>
Астрагалин	287±11,1 <sup>1,2</sup>	69,1±2,8 <sup>1,2</sup>	-260,5	8,32±0,1 <sup>1</sup>	0,58±0,004 <sup>1,2</sup>	9,5±0,4 <sup>1,2</sup>
Фланорин	297±12,8 <sup>1,2</sup>	66,2±5,4 <sup>1,2</sup>	-259,9	8,43±0,2 <sup>1</sup>	0,58±0,005 <sup>1,2</sup>	9,6±0,3 <sup>1,2</sup>
Элеутеро-кокк экстракти	285±10,4 <sup>1,2</sup>	73,8±8,1 <sup>1,2</sup>	-261,3	7,88±0,14 <sup>1</sup>	0,57±0,008 <sup>1,2</sup>	9,1±0,5 <sup>1</sup>

Эслатма. Бу ерда ва 3-жадвалда, <sup>1</sup>–интакт хайвонлар кўрсаткичларига нисбатан аниқлик, <sup>2</sup>–назоратга нисбатан ( $p < 0.05$ ).

Ушбу натижаларни препаратларни бир марта қабул қилган вивариянинг оддий шароитида сакланган каламушларнинг натижарига нисбатан солиштирганда (аниқланаётган кўрсаткичларда ўхшаш ижобий силжиш билан) шуни тахмин қилиш мумкинки, сузаётган хайвонларда сузиш тугашигача ижобий метаболик силжишлар юзага келди ва тажрибалар сўнгида муҳитнинг салбий омиллари таъсирида ўзгарган кўрсаткичларнинг ошишига ёрдам берди. Шу боисдан, тўлиқ чўкишгача сузиш давомийлиги сезиларли даражада ошди, бу эса, каламуш ва сичқонларга ўрганилаётган субстанцияларнинг берилиши билан, ушбу моддалар таъсирида адаптоген потенциал оширилишининг муҳим исботидир.

Диссертациянинг «Фитоэкидстероидлар, циклоартан гликозидлар ва



